ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1996 йил 23 июль СЕШАНБА № 55 (5.727) сотувда эркин нархда

ТАЪСИСЧИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АСАКАДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Ким Ток Ленг жаноблари!

Муҳтарам Ким У Жун жаноблари!

Жаноблар ва хонимлар!

Азиз қурувчилар, муҳандислар, мутахассислар, янги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг жамоаси!

Ватандошларим, дўстларим!

Бугун биз ҳаммамиз катта тарихий воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун Ўзбекистон халқи интизор бўлиб кутган муборак кун — мамлакатимиздаги илк автомобиль заводининг очилиши — тантана кунлари етиб келди.

Фарғона водийси — Оллои таолонинг назари тушган гўзал бир маскандир. Андижон вилояти эса бу гўзал водийнинг юрагида жойлашган. Бу муқаддас юртда буюк темурий бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган, бошқа не-не алломалар, шоирлар ва меъморлар етишиб чиққан ва қадимий Туркистон — бугунги Ўзбекистон шуҳратини ёруғ оламга ёйган. Бу ерда мард ва танти, кўнгли кенг, иймони бақувват, инсофли ва диёнатли ажойиб инсонлар яшайди.

Ана шундай инсонлар билан бугунги қутлуғ кунда юз кўришиб турганимдан ғоят бахтиёр эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Ҳар қайси давлат, жамият ўз келажагини қураётганда, ўз олдига қўйган юксак марраларга кўтарилишда ҳал қилувчи, муҳим босқичлардан, иқтисодиётида туб бурилиш ясайдиган поғоналардан ўтиши табиийдир.

Беш йил олдин озод ва обод ватан, демократик давлат, янги жамият, эркин иқтисод қуриш йўлини танлаб олдик. Жаҳон илғор тажрибасига ва миллий анъаналаримизга, меҳнатсевар халқимизнинг кучига суяниб-таяниб фаровон ҳаётга эришиш учун аввалambor иқтисодимизни эски, бир ёқлама, қотиб қолган ҳолатдан янги босқичга кўтариш мақсадини олдимизга қўйдик.

Бошқаларга ўхшаб енгил йўлни қидирмадик. Қандай оғир бўлмасин, узоқни кўзлаб, келажаги буюк давлатимизнинг пойдеворини яратиш учун тараққий топган, обрўли мамлакат, жаҳонда машҳур фирма, компаниялар ва ишбилармонлар билан мустаҳкам, манфаатли алоқа боғладик, замонавий, ўзгалар ҳавас қиладиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этишга киришдик.

Мана энди, бир вақт халқимизнинг бошлаган саъй-ҳаракатлари ўз ҳосилини бера бошлади.

Бугун нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида, балки собиқ Иттифоқ миқёсида ҳам бутунлай янги завод — қўшма корхона ишга тушиши, тарихимизда илк бор замонавий, жаҳон андазалари талабларига жавоб берадиган енгил машиналар — автомобиллар ишлаб чиқарилиши — бунинг ўзи биз танлаган сиёсатнинг тамал тоши, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мисли кўрилмаган қисқа муддатларда шундай ҳашаматли биноларни қуриш, бутун дунёга машҳур давлатлар, компаниялар ва фирмалардан замонавий ускуналарни, автоматларни олиб келиб, илғор стандартларга жавоб берадиган технологияларни ўрнатиш, ўзимизнинг фарзандларимизни Жанубий Корея давлатида янги касбларга ўргатиш, шундай мураккаб технологияларни ўзлаштириш чиндан ҳам, ҳар кимнинг қўлидан келмайдиган катта шарафли синов, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай улкан масалаларни ечиш, бугунги барчамиз иштирок қилаётган марраларга етиб келиш учун — албатта нафақат бу қурилишнинг бошида турган лойиҳачилар, иқтисодчилар, қурувчилар, монтажчилар — ишнинг негизини билган мутахассислар, муҳандислар, мана шу мўъжизани барпо этган ишчиларимиз, раҳбарларимиз, нафақат Андижон, Асака мўътабар заминида яшаётган ўғлонлар, балким бутун Ўзбекистон иқтисоди ва унинг имкониятлари катта-катта синовлардан муносиб ўтди, десак айни ҳақиқатни гапирган бўлардик.

Мен катта мамнуният билан яна бир бор мана шу мўъжизани ташкил қилган инсонларимизни — замондошларимизни, мардонавор хизмат қилган ишчи ва меҳнатчиларни чин қалбимдан табриклаб, тасаннолар айтмоқчиман! Ҳаммангизни бағримга маҳкам босиб, хурсандлигимни билдирмоқчиман!

Азиз дўстларим!

Албатта, буни барчамиз яхши тушунамиз: бундай юкни кўтариш, шундай заводни ишга тушириш ҳеч қачон ёрдамсиз бўлмас эди.

Яратганимизга минг тасаннолар бўлсинким, уч йил олдин тақдир бизни Корея мамлакати, нафақат Кореяда, балки жаҳонда ҳам машҳур ДЭУ корпорацияси раҳбарлари ва унинг президенти Ким У Жун жаноблари билан учраштирди.

Бир-биримизни яхши тушундик, бир-биримизга ишондик ва ҳамкорлигимиз натижасида мана шу завод ва бошқа қатор-қатор лойиҳалар амалда рўёбга чиқди.

Халқимиз номидан, Ўзбекистонимиз номидан Корея Республикаси халқига, унинг раҳбариятига, Президент Ким Ен Сам жаноби олийларига, ДЭУ компанияси президенти Ким У Жун жанобларига ва унинг ёрдамчиларига, мана шу проект-лойиҳа иштирокчиларига, корейс мутахассисларига, ишчилари ва муҳандисларига алоҳида табригимизни, миннатдорлигимизни Сизнинг номингиздан билдирмоқчиман!

Ва мажлисимизда иштирок қилаётган Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг жанобларидан сўраймиз — бизнинг миннатдорлигимизни Корея Республикаси раҳбариятига ва унинг халқига етказсинлар.

Азиз меҳмонлар!

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Қурилган автомобиль заводи, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, унинг аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, аввалambor, қуйидаги фикр-хулосаларни кўзда тутамиз:

Биринчи навбатда. Ишга тушган завод, унинг қурилиш суръатлари, техник даражаси замонавий жаҳон талабларига жавоб бериши — бунинг ўзи яна бир бор Ўзбекистон танлаб олган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўли-модели тўғрилигининг яққол исботи ва тасдиғидир.

Иккинчидан. Бу воқеа Ўзбекистоннинг катта салоҳиятидан, имкониятларидан дарак беради.

Ўзимизнинг юртимизда ҳам, узоқ ва яқин қўшниларимиз ҳам яхши тушунадики, бундай улкан заводни қуриш учун нафақат иқтисодий ва молиявий имкониятларга, балким катта маънавий қудратга, қолаверса, катта юракка ҳам эга бўлиш керак.

Шу жумладан, бундай корхонани қуриш, замонавий технологияларни ўзлаштириш, мана шундай заводнинг ишлаб туришини ташкил қилиш учун шунга жавоб бера оладиган малакали ишчи кучига, юксак даражадаги муҳандислик интеллектуал савияга эга бўлиш керак.

Бир сўз билан, лўнда қилиб айтганда, бу янги заводнинг ишга тушиши эл-юртимизнинг юксак савияси ва қудратидан далолатдир.

Учинчидан. Бундай буюк, жуда катта маблағ талаб қиладиган иншоот қурилиши бизга шерик хорижий давлат фирма ва компанияларининг, жаҳонда энг нуфузли молиявий тузилмаларнинг, банкларнинг Ўзбекистонга билдирган катта ишончининг тасдиғи, деб билишимиз керак.

Айни замонда автомобиль чиқариб ўзини оқлаётган мана шу завод, Ўзбекистоннинг ўзига билдирилган ҳар қандай ишончни оқлашга, ҳар қандай мураккаб, улкан лойиҳаларни ҳам охирига — пировардига етказишга қурби етади, деган хулосанинг тасдиғидир.

Яъни бугун Ўзбекистон бозорига интилаётган чет-хориж мамлакатлардаги янги-янги сармоядорлар ҳам мана шу мисолда ҳар қандай шубҳа ва гумонлардан халос бўлиши муқаррар.

Тўртинчидан. Шубҳа йўққи, Асакада ишга тушаётган завод ва бу заводни бутлов қисмлари билан таъминлаш мақсадида қурилаётган янги-янги йирик, ўрта ва кичик корхоналар, аввалambor, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади, одамларимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Бешинчидан. Асака заводи ишга тушиши нафақат Андижон вилоятида, балки Ўзбекистонда ва унга узоқ-яқин қўшни минтақаларда пайдо бўлаётган ишлаб чиқариш ва таъминот инфраструктурасини — корхоналарини яратади. Бош завод, унинг атрофида вужудга келаётган янги корхона ва ташкилотлар Ўзбекистонни жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 ривожланган мамлакат қаторига-сафига киритиш билан бирга, бутун иқтисодимизни, унинг савиясини, ишлаб чиқараётган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янги, юксак поғонага кўтаради.

Бундан хулоса шуки, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишидан, унинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотидан, оладиган фойдасидан нафақат шу тармоқда ишлайдиган кишилар ва уларнинг оилалари, балки Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро қўшимча фойда ва даромад топажак. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Азиз дўстлар!

Биз ҳаммамиз яхши англаймизки, ҳаётимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, мана шу заводнинг, Асака заводининг ишга тушиши ва шу билан боғлиқ бўлган катта умид ва режаларимиз, аввалambor, юртимизда ҳукм сураётган ва биз кўз қорачиғидай асраб-авайлайдиган тинчлик ва тотувликка, Ўзбекистон заминида яшаётган миллатларнинг ўзаро бирлигига, якдиллигига боғлиқдир. Бу буюк ҳақиқатни бугун ҳар қайси фуқаро яхши тушуниб олди.

Биз яшаётган ва меҳнат қилаётган жамоа қанчалик аҳил ва тотув бўлса, ҳар қайси хонадонда ва оилада ўзаро келишиб, муросаю мадора қилиб, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган бўлсак, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиб, белимизни маҳкам боғлаб, ватанимизнинг буюк келажагига бутун вужудимизни, бутун борлиғимизни бахш этиб ишласак — ҳар қандай юксак марра ҳам бизники!

Бир вақтлар мен катта умидлар билан: «Қани энди, бизнинг юртимизда ҳам ўзбек йигит-қизлари, Ўзбекистон фуқаролари бошқа тараққий топган давлат ва минтақалардагига ўхшаб, улардан ҳеч кам бўлмасдан, мана шундай замонавий енгил машиналарни бемалол миниб юрса!» деб ҳавас қилар эдим.

Беш-уч йил олдин бундай ҳавас-умид ўзгалар у ёқда турсин, кўпчилик аҳолимизга ҳам афсонадай туюларди.

Мана энди ана шу пок ва холисона ниятларимиз Оллоҳнинг инояти, марҳамати билан рўёбга чиқди.

Иншоолло, барча эзгу ниятларимизнинг ижобат бўлишида ҳам яратганнинг ўзи мададкор бўлғай!

Ҳаммангизни яна бир бор чин қалбимдан бугунги тантана — хурсандчилик билан табриклайман, азиз дўстларим, юртдошларим!

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 июл куни Туркиянинг «ЭКА» иқтисодий хабарлар агентлиги соҳиби, шу номдаги журнал ноширп Муҳаррам Ўзгувенни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Туркия билан дўстона муносабатлари ривожланиб бораётгани ҳақида гапирар экан, бундай алоқаларнинг мустаҳкамланишида, шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари, жумладан, «ЭКА» ахборот агентлигининг ҳам хизмати борлигини таъкидлади.

— Агентлигингиз томонидан Ўзбекистон Президентининг Америка Қўшма Штатларига ташрифига бағишлаб чиқарилган «ЭКА» журналининг махсус сони билан танишдим, — деди Президент Ислом Каримов. — Бизни қувонтираётган нарса шуки, сиз раҳбарлик қилаётган маҳкама Ўзбекистон тўғрисида дунё мамлакатларига ҳаққоний ахборот тарқатмоқда. Бу Ўзбекистоннинг нафақат Туркия, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам янада яқинлашувига кўмак беради.

Муҳаррам Ўзгувен Ўзбекистон раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, оталар юрти ҳақида ёзиш турк журналисти учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини айтди.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

**(ЎзА).**



**Музробод туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида нуфузли бир хонадон бор. Оила бошлиғи 64 ёшли Қўйли ота Эрсаидов умрининг қарийб қирқ йилини деҳқончиликка бағишлаб келаяпти. Ота оила аъзолари билан деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этиб, деҳқончиликда тўплаган бой тажрибасини фарзандларига, ҳамқишлоқларига ўргатаяпти.**

**Қўйли отанинг фарзанди Соатмурод ҳам шу йўлдан бориб, пахтачиликни ривожлантириб гектаридан 37 центнердан хирмон кўтармоқчи.**

**Суратда С.Эрсаидов пахта даласида.**

**И.Хўжаев олган сурат.**

## АСАД ЭКИНИНГНИ ЯСАТ

Умид билан замин бағрига уруғ қадаган деҳқоннинг экини меъёрида ривожланса, бирон касалликка чалинмаса, унинг учун энг катта мукофот шу. Миришкорнинг шодлиги ҳам, ташвиши ҳам дала. Меҳнатим натижаси кўринса, яхшигина даромад олсам, дейди.

Ҳозир ғўзаларга ишлов бериш айни қизғин паллада. Саратон қуёши замин бағрини қиздирмоқда. Мироблар қўлда кетмон, ниҳолларни оби-ҳаётга қондиришаяпти.

Бухороликлар бултур тармоқнинг барча соҳасида белгиланган режаларни ортиғи билан уддалашган эди. Бу йил ҳам ютуқни қўлдан бермасликка ҳаракат қилишиб, ғўза парваришини бир дам бўлса-да сусайтиришмаяпти.

— Деярли барча туманлар хўжаликларида ниҳоллар ривожи яхши, — деди вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Содиқ Саъдуллаев.

Ғўзалар учинчи ишловдан чиқарилди. Саратонда сувга қонмаган ниҳоллар шонаси тўкилиб кетиши мумкин. Шу сабаб мироблар иши икки сменада ташкил этилган. Июль ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. Озгина сусткашликка йўл қўйилса, бор ҳосилдан ажраб қолиш мумкин. Бухоро шароитида энг ташвишлиси бу — сумбула гармсели. Ана шу пайтда ғўзалар сувни кўпроқ талаб қилади. Вақтида суғорилмаса ниҳолнинг юқори қисми гармсел қурбони бўлади. Ҳосилдорлик кескин камаяди.

Айни паллада Олот, Жондор, Қоракўл, Ғиждувон, Пешку, Шофиркон, Вобкент туманлари хўжаликларида ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва озиқлантириш ишлари сифатли олиб борилаяпти. Вобкент туманидаги Рўзи Хусейнов номли, «Зарбдор», Қоракўл туманидаги «Зарафшон», Ромитандан «Халқобод», Шофиркондаги Файзулло Хўжаев номли, «Ҳайдаробод», Ғиждувон туманидаги Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний номли, «Ўзбекистон», Бухоро туманидаги «Маданият», Олотдан «Ўзбекистон» жамоа ва ижара ширкат хўжаликлари заршунослари ғўза парваришида илдам. Мазкур хўжаликларда ниҳоллар тўртинчи ишловдан чиқарилаяпти.

Амалдаги йил деҳқончилигида барака уруғини барвақт қадаб, кўкламнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланганлик туфайли асосий майдонларда кўчатлар бир текис ундиришга эришилди. Ғўза қатор ораларига ишлов беришга ҳам эрта киришилди. Йилдан-йилнинг фарқи бор. Деҳқон фидойилиги, тажрибаси ҳосилдорлик ошишига асосий омил. Жорий йилда республика раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалигига жуда катта ёрдам кўрсатиляпти. Минерал ўғит, техника хўжаликларга ўз вақтида етказиб берилди. Юқори ҳосилни кўзлаб иш юритилаётган бригадаларда ғўзалар кўсаклай бошлади.

Бухоро туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Равшан Шаропов, Қоракўлдаги «Сайёд» жамоа хўжалигидан Бахтиёр Қодиров, «Зиёрат»дан Олим Муродов, Ромитандаги «Халқобод» дан Шукрулло Хўжақулов бошлиқ бригадалар шулар жумласидандир.

**Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.**

● *Тармоқ таҳлили*

## ПАЙ ДЕҲҚОН МУЛКИ

Сўнгги тўрт-беш йил давомида юртимизда бозор муносабатларига ўтишда қишлоқ хўжалигида кўп ишлар қилинди. Мулкчиликнинг турли шакллари қарор топди. Юзлаб хўжаликларда деҳқонларга ер пудрат, ижара асосида бўлиб берилди. Деҳқон ва хўжалик ўртасида тузилган шартнома меҳнатга муносабатни ўзгартирди, маҳсулот етиштириш кўпаймоқда.

Булар ислоҳот меваларидир. Аммо ҳамма жойда ислоҳот талаблари бирдек бажарилаяпти, кутилган натижалар қайд этилаяпти, деб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласи йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги идоралараро кенгашда кўрилган эди. Мажлис қарорига биноан шу йилнинг ўзида 26 хўжалик ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, уларда эксперимент ўтказишга келишилган эди. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан иккитадан хўжалик танланди.

Орадан бирмунча вақт ўтди. Жойларда бу борадаги иш қандай кетаётганини муҳокама қилиш, шунингдек, нима ёрдам керак, муаммолар хусусида фикрлашиш мақсадида Қишлоқ хўжалик вазирлигида йиғилиш бўлиб ўтди.

Пайчиликни ташкил этишдан бош мақсад — деҳқонни мулкдор қилиш. Юртбошимиз шу гапни қайта-қайта такрорлаяпти. Дарҳақиқат, деҳқон бадавлат бўлса мамлакат аҳолиси фаровон ҳаёт кечиради, деган гапда катта маъно мужассам.

— Ишни бозор ислоҳотлари институти билан шартнома тузишдан бошладик, — дейди Касби туманидаги Шароф Рашидов номли хўжалик раҳбари Н. Чориев. — Институтнинг етакчи олимлари методик жиҳатдан катта ёрдам кўрсатишди. Сўнг пайчиликка ўтиш гуруҳини туздик. Хўжалик мулки аниқланди. Баланс тозаланди. Негаки, кўпгина техника ва жиҳозларнинг номи, нархи кўрсатилган, ўзи йўқ эди. Фермаларда ҳам худди шундай эди. Бошқа вазирликларга тегишли иншоотларни топширдик. Масалан, газлаштириш, электрлаштириш, автомобил йўллари идоралари тасарруфидаги нарсалар эгаларига қайтарилди. Ниҳоят, бўлинмас фонд ташкил қилинди. Таъсис мажлисини ўтказдик. Хўжалигимиз ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти мақомини олди.

У ерда «Қаршичўлқурилиш» томонидан давлат хўжалиги ташкил этилганди. Демакки, ашё, манба давлатники эди. Шу боис мулкка даъвогар бўлмаган. Бу эса ишнинг осон кўчишида қулайлик яратган. Мазкур хўжаликда биринчи кундан бери ишлаётганлар рўйхати олиниб, ўртача кўрсаткич, пай сонини топиш осон кечган. Бир пай баҳоси 152 минг сўмни ташкил этди. Хуллас, касбиликлар республикада биринчилар қаторида пайчи бўлишди.

Тажрибанинг дастлабки якуни шуни кўрсатадики, кўпчилик мулкчиликнинг янги шакли, бозор талаблари ҳақида мукаммал тушунчага эга эмас. Баъзилар жамоа номи ўзгарди, мулк тақсимланди, иш услуби эскича давом этаверади, деб ўйлашади. Савол-жавобларда аён бўлдики, аксарият хўжаликларда илгари қанча одам ишлаган бўлса, ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтишда қарийб шунча киши қолган.

Бир хўжалик раҳбари шу хусусда жумладан, шундай деди: «Бизда 1100 нафар киши меҳнат қилади. Қишлоғидан бошқа ёққа кетишни истамаса нима қилиш керак?» Албатта, қаерда яшаш инсоннинг ўз ихтиёрида. Ўша ернинг ўзида саноатни йўлга қўйиб қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини шунга жалб этса бўлади-ку! Бунинг учун бирон ёққа кўчиш ёки шаҳарга қатнаш шарт эмас. Шу масалани ҳал этишда ҳукуматимиз катта ишларни амалга ошираяпти. Айрим хўжалик раҳбарлари ҳам бир чеккада турмай тадбиркорлик билан иш тутсалар айни муддао бўлур эди.

Иккинчидан, битта бригада етмиш, саксон, ҳатто ундан кўп одамни ушлашнинг қандай нафи бор? Аввало, даладаги харажатларни камайтириш шарт. Ахир, маҳсулот таннархи жуда қиммат-да! Шунча ишчи кучи саноатнинг ривожланаётган соҳаларига, маиший хизматга йўналтирилса бундан ҳам халқ, ҳам давлат катта наф кўради.

Пайчилар, ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари республикамизда ҳозирча саноқли. Вақти келиб уларнинг тажрибаси оммалашади, камчилик, нуқсонлар сабаби аниқланади. Уларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Бу ишларнинг бошида, албатта, деҳқончилик саноати мажмуи раҳбарлари туриши керак. Айниқса, иқтисодчилар деҳқоннинг яқин маслаҳатчиси бўлишлари лозим.

Таассуфки, айрим мутасаддиларнинг ўзлари ҳали кўп нарсани тушунмаган кўринишади. Вилоят миқёсидаги раҳбар иқтисодчилардан бири (Сурхондарё вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг иқтисод бўйича муовини) «Сиз ислоҳотни қандай тушунасиз?» деган саволга «маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, даромадни ошириш» дея олди холос. Унинг устига нечта меъёрий ҳужжат бор, хўжаликларга қандай методик ёрдам кўрсатилди, билмайди.

Мутахассис ислоҳотни юзаки тушуниши кечирилмас ҳолдир. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун хизмат қилиши кераклиги доим такрорланади. Қолаверса, ислоҳот маҳсулот етиштиришни кўпайтирадиган қисқа муддатта мўлжалланган жўн дастур эмас, у узоқни кўзлаб қурилаётган улуғ тадбир, қишлоқ хўжалигида мулкдорлар синфини шакллантирадиган йўлдир.

Хўжаликлар ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтишида ортиқча оворагарчиликлар бўлмаслиги учун ҳуқуқшуносларнинг ҳам яқин ёрдами зарур. Мажлисда жойларда ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришда хусусийлаштиришга алоқадор идоралар билан англашилмовчиликлар рўй бераётгани айтилди. Бунда шуни қайд этиш керак, жамоа мулки мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирилаяпти, холос. Давлат мулки хусусийлаштирилмаяпти, демак, ортиқча расмиятчиликнинг ёхуд бирон ташкилот ҳисобига пул кўчиришнинг ҳожати йўқ.

Мулкчиликнинг пай кўриниши бизда энди шаклланаяпти. Ҳозир фақат эксперимент кетаяпти. Дастлабки натижалари йил охиригача маълум бўлади. Шу йил октябрь ойининг охирларида мазкур 26 хўжаликнинг раҳбарлари ўз хулосаларини айтишади. Йил охирида шулардан қанчаси қолади, вақт кўрсатади.

Ҳа, ислоҳот муваффақияти биринчи галда ўзимизга боғлиқ. Уни амалга оширишда етти ўлчаб бир кесиш даркор. Чунки фермалар хусусийлаштирилганда йўл қўйилган хатолар асосан шошма-шошарлик туфайли бўлди. Унлаб фермалар тармоқни билмайдиган одамларга топширилди.

Буларни айтишдан ният — олдинги нуқсонлар такрорланмасин. Қишлоқ хўжалигимиз жадал ривожлансин. Ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби, олмоқнинг бермоғи бор, дунёда. Охирини жиддий ўйламай банкдан кредит олинаверсаю, эртага қайтара олинмаса мулкдорга нима деб жавоб қилинади. Ўзгалар ҳақига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарур.

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

